

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 20 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 161 (11.222)

Баҳоси эркин нархда

17 МУСТАҚИЛЛИК
ЙИЛ

*Истиқлол — бизнинг борлигимиз, шону
шуҳратимиз, эркин ва фаровон
келажагимиз гаровидир*



**ПОЙТАХТИМИЗДА ЯНГИ ҚАД РОСТЛАГАН МУҲТАШАМ ЁШЛАР ИЖОД
САРОЙИДА “КЕЛАЖАК ОВОЗИ” ЁШЛАР ТАШАББУСЛАРИ
МАРКАЗИНИНГ V ЁШЛАР ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИР
“ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ” ЖАМҒАРМАСИ
КЎМАГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

**ЁШЛАР — ЭРТАНГИ КҮНИМИЗНИНГ
ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИДИР**

Бундай республика ёшлар форумлари “Келажақ овози” маркази томонидан 2006 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу галги анжуманда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 700 нафардан ортиқ йигит-қиз — Ёшлар ташаббуслари марказининг ҳудудий бўлимлари фаоллари, шунингдек, “Келажақ овози” республика танлови Жамоатчилик кенгаши ва жамғарманинг ҳамкор ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Форумда аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил қиладиган Ўзбекистонда ёш авлод манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиладиган таъкидланди. Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида замонавий билимларни пухта эгаллаган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ёш авлод — муносиб ўринбосарларни тарбиялашга, уларнинг жаҳон стандартлари асосида билим олиши, йигит-қизларимизда энг юксак маънавий ғазилатларни камол топтириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ҳамда уларнинг истеъдод ва қобилиятини тўлиқ рўйбга чиқаришга ёрдам бериш учун барча шарт-шароит яратилган.

Ушбу масалаларни ҳал этиш инсон манфаатлари энг олий қадрият деб эълол қилинган мустақил Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Мамлакатимизда ёшларнинг нафақат маънавий ғазилатлари, айни вақтда муайян мутахассисликка эга бўлиб, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун кўп ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада мақсадли давлат дастурлари рўйбга чиқарилмоқда. Кейинги йилларда янгича дунёқарашга эга, мустақил фикрлайдиган, қатъий ишонч ва эътиқодга эга, мамлакат ва халқига содиқ, Ватанимизнинг янада раванқ топиши учун муносиб ҳисса қўишига интиладиган ўн минглаб янги авлод мутахассислари тайёрланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан Ёшлар йили деб эълол қилинган жорий йилда ушбу серқирра фаолият ҳар томонлама ривожланди ва рағбатлантирилди, тегишли давлат дастурини амалга ошириш доирасида янада чуқур мазмун билан бойитилгани таъкидланди. Ушбу жараёнда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

“Ёшлар йили” Давлат дастури ва бошқа мақсадли дастурларнинг рўйбга чиқарили-

ши мамлакатимиз келажаги учун катта аҳамиятга эгадир. Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, ёшлар мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича берилаётган юксак мақсадларимизга эришиш йўлида том маънода ҳал қилувчи куч, таянч ва суянч бўлиши даркор.

Ҳақиқатан ҳам, истиқлол йилларида мамлакатимизда истеъдодли, катта ишларни амалга оширишга қодир янги авлод ўсиб-ўлғайди. “Келажақ овози” ёшлар ташаббуслари маркази ҳам бу хайрли ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Марказ ёрдами билан, шунингдек, ҳар йили ўтказиладиган “Келажақ овози” республика танлови давомида нафақат йирик шахарлар, балки мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларида яшайдиган юзлаб йигит-қизлар олдига ижод қилиш, санъат, илм-фан ва ўз қобилиятини рўйбга чиқаришга ёрдам берадиган бошқа фаолият соҳалари билан шугулланиш учун кенг имкониятлар очилди. Форумда тошкентлик Жасур Турсунов, Самарқанддан Келбек Валиев, қаршилик Бахтиёр Раҳмонов ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

Марказ таълим, маданият ва санъат, ахборот технологиялари, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ёшлар ахборот маркази ҳамда Интеллектуал клублар уюшмаси йўналишлари бўйича самарали фаолият кўрсатмоқда. Форум қатнашчилари марказ фаоллари томонидан ишлаб чиқилган яна бир янги йўналиш — ёш тадбиркорлар мактаби билан ҳам танишди. Бу ерда йигит-қизлар бизнес сабоқларини ўзлаштириш, ўз ишини қандай ташкил этиш ва ривожлантиришни ўрганиши мумкин.

Шунингдек, тадбирда жорий йил бошидан буён қатор йирик лойиҳалар амалга оширилган, жумладан, “Келажақ тур” халқаро ёшлар туризм бюроси, «Lingo-Master.uz» тилга оид электрон маълумотлар базаси, «Дилемма» нотиклик санъати клуби ташкил этилган таъкидланди. Форумда уларнинг тақдими маросими бўлиб ўтди. Тадбир давомида ҳар кунги НТТ телеканаллари тармоғи орқали ёшлар кўрсатувларини эфирга уза-тадиган “Келажақ овози” телестудияси ўзининг энг яхши лавҳаларини намойиш этди, матбуот маркази эса “Келажақ овози” газетасининг ушбу кунга бағишлаб чиқарилган махсус сонини тақдим этди. Форум ишти-



рокчилари “Келажақ овози — 2008” ёзги ўқув оромгоҳи фаолиятини ҳам муҳокама этдилар. Жорий йилда ёзги ўқув оромгоҳида марказнинг 500 нафарга яқин фаол аъзоси ҳордиқ чиқарди. Дам олиш вақтида иқтидорли йигит-қизлар учун уларнинг қизиқишлари бўйича семинар-тренинглар ташкил этилди. Форумда марказ фаоллари томонидан яратилган либослар коллекцияси намойиш этилди, “Келажақ овози” чолгу ансамбли ўз дастурини тақдим этди.

Анжуман қатнашчилари йил бошидан буён амалга оширилган ишлар натижаларини кўриб чиқдилар ва келгусидаги фаолият режаларини белгилладилар. Келгусида ҳам амалдаги лойиҳаларни рўйбга чиқариш давом эттирилади. Шунингдек, ёшлар ижоди-ни ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш ҳамда қўллаб-қувватлаш имконини берадиган қатор янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Форум бўлиб ўтган Ёшлар ижод саройи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан “Ёшлар йили” Давлат дастури доирасида барпо этилган ҳашаматли меъмори-

лик мажмудир. Мазкур сарой пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларидан бирига айланиши шубҳасиз. Бу ерда 3 та кўргазмалар зали, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш учун мўлжалланган катта зал, шунингдек, санъатнинг турли йўналишлари бўйича машғулотлар ўтказиладиган ижодий лабораториялар жойлашган. Сарой энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. У миллий ва умумбашарий маданиятни ривожлантиришда ўзбек халқи бебаҳо меросининг ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб қилиш, ёш истеъдод соҳибларининг бой тарихимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримиз, бутунги кунимизни акс эттирувчи тасвирий, амалий ва фотосанъат соҳасидаги ишлари кўргазмалари намойишини йўлга қўиш мақсадида барпо этилди. Бундан ташқари, бу ерда концертлар, маданият намояндалари билан ижодий уchrashувлар, ёшлар конференциялари, семинарлар, бошқа тадбирлар ҳам ўтказилади.

Дарҳақиқат, Ёшлар ижод саройи Ўзбекистон ёшларига Мустақиллик байрами арафасида аjoyиб тухфа бўлди.

А.ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири

**XXI АСР
САДОСИ**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

•Тошкент вилоятининг ўрта Чирчиқ туманида Юртбошимизнинг «Юксак маънавий — енгилмас куч» асарини ўрганиш ва кенг жамоатчиликка тарғиб қилишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар маънавий инсонни руҳан поклашган, улғайишга қорлайдиган, одамнинг иродаси, иймон-эътиқодини мустаҳкамлайдиган бекиёс куч эканлигини алоҳида қайд этдилар.

•Тошкентда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан одам савдосига қарши курашиш, ушбу жиноятлардан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш масалалари юзасидан давра суҳбати ўтказилди. Унда қатор вазирликлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

•Андижонда буюк давлат арбоби, саркарда ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллигига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди. «Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти ривож тарихидаги роли ва мавқеи» деб номланган мазкур анжуман Ўзбекистон Фанлар академияси, Бобур номидаги халқаро фонд ҳамда Андижон вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилди. Унда Марказий Осиё давлатлари, АҚШ, Туркия, Япония, Миср, Афғонистон, Буюк Британия, Хитойдан таниқли адабиётшунос ва тарихчи олимлар иштирок этди.

•Булунгур туманида резина пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона иш бошлади. Кунига 2000 жуфт резина пойабзали ишлаб чиқараётган «Булунгур интерлига» корхонасида шу вақтга қадар 200 минг евролик жиҳоз ва ускуналар ўрнатилган. Айни пайтда 120 нафар булунгурликлар мазкур корхонада фаолият кўрсатишмоқда.

•Қизилтепа туманидаги «Зилола» кўп тармокли фирмаси ёғ-экстракция корхонасини ишга тушириш учун 210 миллион сўмлик инвестиция киритган эди. Инвестиция шарофати билан хориж технологияси асосида фаолият юритаётган жамоа бир кеча-кундузда 10 тонна олий навли ўсимлик ёғи тайёрлаб бермоқда. Корхонада ишлаб чиқарилаётган сифатли ёғга нафақат вилоятда, балки мамлакатимизда ҳам талаб катта бўлмоқда.

•Урганч шаҳридаги Амир Темур номидаги маданият ва истироҳат боғида экофестивал бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

•Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида «Бутунжаҳон» сув ҳафталиги мавзuida халқаро конференция очилди. Жаҳоннинг турли мамлакатлари ва минтақаларидан келган 2500 нафар мутахассислар анжуман кун тартибидан ўрин олган бош масалалар: аҳолига ичимлик суви етказиб беришда фойдаланиладиган санитария меъёрлари ва сувни тозалаш учун фойдаланиладиган анжомларга бўлган талабларни муҳокама қилмоқдалар.

•Польша ҳукумати мамлакатга ракета ҳужумига қарши муҳофаза тизимини ўрнатиш бўйича имзоланган Польша-АҚШ битимини расман қўллаб-қувватлади.

•Кеча Покистон парламенти мамлакат президенти Парвез Мушаррафнинг истеъфо берганилиги масаласини кўриб чиқди ва ўзининг расмий ҳулосасини чиқарди. Парламент депутатларининг асосий қисми Мушарраф истеъфосини маъқулади. Маълумотларга кўра, янги президент сайлангунга қадар мамлакат президенти вазифасини парламентнинг юқори палатаси раҳбари Муҳаммадмиан Соомро вақтинчалик бажариб туради.

•Кеча Қоҳирада жойлашган Миср парламенти биносида кучли ёнғин чиққанлиги туфайли тарихий аҳамиятга эга ушбу қадимий иншоот деярли ёниб битди. Ёнғин натижасида асосан қутқарувчилардан 16 киши ис газидан заҳарланган. Ёнғиннинг қисқа туташув натижасида чиққанлиги айтилмоқда.

•Кеча жаҳон товар биржаларида нефтнинг нархи сезиларли даражада ошди.

•АҚШнинг Техас штатида давом этаётган кучли ёнғингарчилик жиддий талафотларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, штат жанубидаги 800 та хонадонни сув босган. Ҳозирда сув остида қолган уйларда кишилар кемадарда қутқариб олинмоқда.

•Италияда ноконуний муҳожирлар сони ўтган йилга нисбатан икки баробар кўпайди. Италия ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, жорий йилнинг ўтган саккиз ойида Италия орқали Европада келган муҳожирлар сони 15 мингдан ошиб кетган. Шу муносабат билан Италия Президенти Сильвио Берлусконни ноконуний муҳожирларга қарши курашувчи кампания тузишга қарор қилди.

•Берлинлик архитекторлар янги авлодга мансуб кўп қаватли уйнинг лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Унда хонадон эгасининг квартираси ёнида автомобиль сақлаш учун ҳам иншоот кўзда тутилган.

•Мисрлик археологлар Луксор ва Карнак қадимий ибодатхона мажмуаларини ўзаро боғловчи йўл атрофида тўртта бошсиз сфинкс ҳайкалинини топишди.

**АНТОН ФОКИН — ОЛИМПИАДА
ЎЙИНЛАРИ СОВРИНДОРИ**

**XXIX ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИНИНГ 19 АВГУСТ
КУНГИ БЕЛЛАШУВЛАРИДА СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ
БЎЙИЧА БРУСДА БАЖАРИЛГАН МАШҚЛАР
ЯКУНИГА КЎРА АНТОН ФОКИН БРОНЗА МЕДАЛИНИ
ҚЎЛГА КИРИТДИ.**

Антон 1982 йили 13 ноябрда ту-
тилган. Спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистоннинг
энг кучли спортчиларидан. Ўтган йили Германиянинг
Штутгарт шаҳрида бўлган жаҳон чемпионатида учин-
чи ўринни эгаллаган эди.


— Биз, ўзбекистонлик спортчиларнинг жаҳон спорт
майдонларида эришадиган ютуқларимиз истиклолимиз
шарофатидандир, — дейди А.Фокин. — Шу боис
Олимпиадада қўлга киритган муваффақиятимни мам-
лакатимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлай-
ман.

Яна бир вақилимиз — Вадим Меньков каноэда эш-
как эшиш бўйича 500 метр масофага ўтказилган баҳс-
да ярим финалга йўлланма олди. Шунингдек, 200 мет-

рга югуришда Гўзал Хуб-
биева биринчи босқичдан
ўтди.

Пекин Олимпиадасида
Ўзбекистон спортчилари
хозиргача тўртта медал-
ни қўлга киритди. Дзюдочилар Абдулла Тангриев —
кумуш, Ришод Собиров — бронза, трамплинда Ека-
терина Хилько — бронза медал соҳиблари бўлди.

Уларнинг сафига Ш.Мамадалиев мураббийлигида
машқ қиладиган А.Фокин ҳам қўшилди.



**Зоҳир ТОШЎҲАЕВ,
ЎЗА мухбири**

урнатилган. Ўтган вақт мобайни-
да икки давлат ўртасидаги сиё-
сий, иқтисодий, маданий-гумани-
тар алоқалар изчил ривожланиб
бормоқда.

Айни пайтда республикаимизда
Индонезия капитали иштирокида
тузилган қатор корхоналар мавжуд
бўлиб, улар маркетинг, меҳмонхо-
на хизмати, телекоммуникация со-
ҳаларида фаолият юритиб келмоқ-
да.

(Давоми 2-бетда).

**ПОЙТАХТНИНГ
ДИР КҮНИ**
Янгиликлар, воқеалар

**Қасқа
сатрларда**

•**БУГУН** Миробод туманидаги
Ғафур Ғуллом номи маданият уйи
ташаббуси билан Баротхўжа маҳал-
ласи билан ҳамкорликда маҳалла
фаоллари, ёшлари иштирокида
Ўзбекистон Республикаси Муста-
қиллигининг 17 йиллигига бағиш-
лаб ўтказилган маънавий-маъри-
фий тадбир «Ватан тўғрисида кўн-
гашти бил» деб номланди.

•**КЕЧА** Юнусобод туманидаги
274-мактабда туман халқ таъли-
ми бўлими ташаббуси билан ту-
ман мактаблари ўқитувчилари
иштирокида ўтказилган анъана-
вий Август кенгашида рус тили
фанини ўқитишнинг замонавий
усуллари муҳокама қилинди.

•**КЕЧА** Сергели туманида ту-
ман фаоллари, маҳаллалар оксо-
қоллари, хотин-қизлар комисс-
ялари раислари, диний маърифат
ва маънавий-ахлоқий тарбия ма-
салалари бўйича маслаҳатчилар,

маҳаллалар посбонлари, ҳукукни
муҳофаза қилувчи органлар ва-
киллари иштирокида ўтказилган
тадбир юртимиз Мустақиллиги-
нинг 17 йиллигига бағишланди.

•**БУГУН** Ҳамза туманида ту-
ман маданият ва спорт ишлари
бўлими ташаббуси билан «Ватан
тўғриси» мавзuida маънавий-маъ-
рифий давра суҳбати ёшлар иш-
тирокида ўтказилди.

•**КЕЧА** Тошкент шаҳар 5-кли-
никлигининг 17 йиллигига бағиш-
лаб ўтказилган маънавий-маъри-
фий тадбир «Ватан тўғрисида кўн-
гашти бил» деб номланди.

•**КЕЧА** Ҳамза туманидаги
«Дўстлик» маҳалласида маҳалла
фаоллари, ёшлар, кам таъмин-
ланган оилалар аъзолари ишти-
рокида юртимиз Мустақиллиги-
нинг 17 йиллигига бағишлаб
байрам тадбири уюштирилди.

(Тошкент шаҳар
ҳокимлигининг
Ахборот хизмати ва ўз
мухбирларимиз хабарларидан).

ОЗ-ОЗ ЎТГАНДО ДОМО БУЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

ОГАҲИЙ ҲИҚМАТЛАР

Назар истар эсанг гар жоҳилу олимға,
билгилким,
Эрур зоғу заҳан нодону доно булбулу
қумри.

Жаҳон савдосидин, эйким, тиларсан
суд тоғойсан,
Бу савдо суди билгилким, зиён ўлди,
зиён ўлди.

Киши ҳар неча бўлса жоҳ ила мукнат
аро комил,
Бўлур юз ҳисса онча кибр ила нахват
анго ҳосил.

Ҳамиша нафс ишидур тийралик
андоқки хоки раҳ,
Туну кун рух иши бермак сафоға
кўзгудек жилваҳ.

Хандаи ишрат санго ғам барқини
чақмоқдурур,
Фикри давлат бўйнуноғи ҳасрат ипин
тоқмоқдурур,
Шугли мукнат билгил ўз жонингга ўт
ёқмоқдурур.

Гар истасанг ишингга олам аро
кушойиш,
Адлу сахову базлу ҳимматни айла
варзиш.

Бори ғами ишқ этти неча шерни ожиз.
Савдойи ғами ишқ эмас ақл ила
жойиз.

Билурму шаппарақлар шом аро нуру
зиё қадрин.

Очиб ибрат кўзин, қилгил тамошо гар
эсанг бийно.

Агар шахлар сипаҳ чексун жаҳон
мулки аро ҳадсиз,
Вагар дарвешлар қилсун дуо эғнида
солиб киз,
Жафоси дафъин онинг айламак
мумкин эмас харғиз.

Агар кўнглунгга ком эрса туганмас айш
ила ишрат.
Бу базм ичра фано жоми билан ич
бодаи ваҳдат,
Тилаб оби бақо беҳуда чекма ранж ила
меҳнат.

Бу фоний дайр аро ҳар кимда бўлса
нашъат маъни,
Анго етгай дамодам чархи золим зарб
ила таъни.

На сўргунг ушбу меҳнатхонада ёлғуз
киши ҳолин —
Ки, бўлғой заҳр коми ичра ичса жоми
жам ёлғуз.

2008 — Ёшлар йили

ИСТИҚЛОЛНИНГ ЁШ ИЖОДКОРЛАРИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН "ИСТИҚЛОЛНИНГ ЁШ ИЖОДКОРЛАРИ: ЭФИРДА ЁШЛАР ҲАЁТИ" МАВЗУИДА ТЎРТИНЧИ СЕМИНАР-ТРЕНИНГ БОШЛАНДИ.

Нодавлат телестанциялар, ёшлар ижодий студияларнинг журналистлари учун «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ўтказилаётган ушбу семинар Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, «Келажак овози» Ёшлар ташаббуслари маркази ва БМТнинг Аҳолишунослик бўйича жамғармаси — UNFPAнинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Семинарда Ўзбекистон Электрон омма-

вий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ижрочи директори Ф.Шаропов юртимизда ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги ижодий чўққилар сари даъват этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу борадаги эзгу ишлар кўлами миллий журналистикани янада ривожлантиришда, замон талабига монанд мутахассислар тайёрлашда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатган нодавлат телестанциялар жамоаларининг аксарият қисми ёшлардан иборат. Нодавлат оммавий ахборот воситаларига ҳар томонлама мадад кўрсатиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бораборида ёш ижодкорларнинг касб малакаси ва маҳоратини оширишга қаратилган ижодий лойиҳалар, кўрик-танловлар, анжуманлар, семинар-машғулотлар ўтказилиши анъанага айланган.

Ушбу семинарнинг дастлабки машғулоти Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар жойларда-

ги нодавлат телестанциялар, студиялар фаолияти билан атрофлича танишди.

Семинар ижодкорлар ўртасида ўзаро фикр алмашиш, илгор тажриба билан ўртоқлашиш, билимини бойитишда гоят кўл келмоқда. Пойтахтимизда бошланган семинар-машғулотда иштирокчилар ёшлар учун мўлжалланган кўрсатувлар, лавҳа ва репортажлар тайёрлаш бўйича назарий ва амалий билимини янада оширади.

Семинар доирасида «Биз келажакка интиламиш» ёшлар фестивали, ёшлар медиа-форуми, «Мустақиллик — энг улугъ неъмат» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими, концертлар бўлиб ўтади. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган экскурсиялар ташкил этилади.

Назозат Усмонова,
Ўза мухбири



Жисмоний тарбия ва спорт инсон ҳаётида муҳим ўрин эгаллар экан, бу борада маданият ва истироҳат боғларининг ўзига хос ўрни бор. Буни биргина Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғи мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Боғда дам олувчиларнинг спорт билан шугулланишлари учун барча қўлайликлар яратилган. Шинамгина стадион, шахмат-шашка павильони шулар жумласидандир. Боғда хилма-хил мусобақалар ўтказилиб турилади. Жумладан «Умумжаҳон саломатлик кўни»га бағишлаб Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, республика енгил атлетика федерацияси ҳамкорлигида 500 метрга югуриш бўйича марафон ўтказилди. Марафон уч тоифада, яъни 18-35, 35-45, 45 ва ундан

МАЪЛУМКИ, ЮРТИМИЗДА ЖИСМОНИЙ ТАРЕБИЯ ВА СПОРТГА ЭЪТИБОР ТОБОРА КУЧАЙИБ БОРМОҚДА. БУНИ ЯНГИДАН-ЯНГИ СПОРТ МАЖМУАЛАРИ ҚУРИЛИБ ИШГА ТУШИРИЛАЁТГАНИДАН ҲАМ БИЛСА БЎЛАДИ. КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖ ҲАМДА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ, ЯНГИ ҚУРИЛАЁТГАН МАКТАБЛАРДАГИ СПОРТ ЗАЛЛАРИНИ ҲАР ҚАНЧА МАҚТАСАНГИЗ АРСИЙДИ. ЯНГИ СПОРТ ЗАЛЛАРИ КЕРАКЛИ СПОРТ АНЖОМЛАРИ БИЛАН ТЎЛА ЖИҲОЗЛАНГАН. БУНДАЙ ЗАЛЛАРДА МАШҒУЛОТЛАРДА ҚАТНАШИШ ҲАР ҚАНДАЙ ИНСОНГА ЗАВҚ БАҒИШЛАЙДИ.

катта ёшдаги хотин-қизлар ўртасида бўлиб ўтди. Мусобақада Тошкент шаҳрининг барча туманларида истиқомат қилаётган хотин-қизлар қатнашиб, спортга бўлган катта қизиқишлари ва маҳоратларини намойиш этдилар. Мусобақа якунида ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Спорт» телерадиоканали давлат унитар корхонаси билан ҳамкорликда ўтказил-

ган «Учрашув» шоу дастурида боғча спортда катта ғалабаларни кўлга киритган инсонлар тақлиф этилди. Бу тадбир ҳам дам олувчиларга ниятда манзур бўлди. Мана етти йилдирки боғда Ўрта Осиёда етишиб чиққан шахмат бўйича биринчи спорт устаси Мамажон Мурхитдинов хотирасига бағишланган турнир ўтказилмоқда. Ҳар йили бу турнирга шахматга қизиқадиган кўплаб ўғил-қизлар қатнашиб, жонқуяр спортчининг хотирасини эсга

олади. Боғ раҳбари Р.Аветисов ёшлар ўртасида ўтказилган спорт мусобақаларини янада яхшилашга мунтазам равишда кўмаклашиб келмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, боғда 10 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалардан ташкил этилган футбол жамоалари фаолият кўрсатиб, уларга 40 дан ортиқ футболни ниятда яхши кўриб машғулотларга мунтазам қатнашадиган болалар жалб қилинган. Уларга А.Сагдиев

раҳбарлик қилмоқда.

Боғ маъмурияти ҳар йили ёз ойида ўқувчиларнинг таътил кунларида 3 ой давом этадиган спорт тўғрақларини ташкил этган. Булар — футбол, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка, енгил атлетика, сузиш машғулоти бўлиб, болалар учун бепул. Мана бу йил ҳам машғулотларга кўплаб болалар қатнашди. Боғда ҳар пайшанба кўни болалар кўни ўтказилади. Шу кўни спорт мусобақаларидан ташқари қизиқарли ўчрашувлар, ҳар хил ўйинлар ташкил этилади. Буларнинг ҳаммаси ёш авлодининг ҳар томонлама соғлом бўлишига ёрдам бериши табиий. Чунки саломатлик инсон учун энг катта бойликдир.

Шерзод ТОШОНОВ
СУРАТЛАРДА: БОҒДА БЎЛИБ
ЎТГАН СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИДАН
ЛАВҲАЛАР.

Муаллиф олган суратлар

ТУРКМАНИСТОН КИНОЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САҢЪАТ САРОЙИДА «ЎЗБЕККИНО» МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ВА ТУРКМАНИСТОННИНГ РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТУРКМАНИСТОН КИНО ҲАҶАТЛИГИ БОШЛАНДИ.

Эътиборлиси, туркменистонлик таниқли режиссёрлар томонидан суратга олинган ранг-баранг киноларни нафақат пойтахтликлар, балки Самарқанд ва окўргонликлар ҳам томоша қилишлари мумкин. Чунки бир ҳафта мобайнида туркман кинолари республикаимизнинг бошқа вилоятларидаги кинотеатрларда ҳам намойиш қилиниши режалаштирилган.

Таъкидлаш лозимки, ҳафталик дастуридан ўрин олган картиналар туркман халқининг ўзоқ тарихидан бошлаб, бугунги кунгача бўлган ҳодисалар, ўзгаришлар ҳусусида ҳикоя қилади. Уларнинг баъзилари соф ва беғубор муҳаббат тўғрисида бўлса, бошқасида туркман халқининг уруш йилларида бошдан кечирган машақ-

қатлари акс этган, яна бирида эса, халқнинг ўзига хос ҳунармандчилиги, миллий қадриятлари тараннум қилинади. Туркман халқ дoston ва афсоналари асосида суратга олинган кинолар ҳам анчагина.

— Халқларимиз илдири бир бўлгани боис, яшаш тарзи, урф-одатлари, дунёқарашлари ҳам ҳамоҳанг, — дейди Туркменистоннинг Ўзбекистондаги Факултетида ва мухтор элчиси Султон Пирмуҳамедов. — Шу боисдан бизнинг киноларимиз ўзбекистонлик санъат ихлосмандлари катта таассурот қолдиришига шубҳа йўқ. Қолаверса, бу ҳамкорлик азалдан қон-қардош бўлган халқларимиз ўртасида биродарлик ва яқинлиқни янада мустаҳкамлайди.

«Туркистон-пресс»

ФУТБОЛ БЎЙИЧА 2010 ЙИЛДА ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИДА УЮШТИРИЛАДИГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИНИНГ IV БОСҚИЧГА ЖИДДИЙ ҲОЗИРЛИК КЎРАЙТГАН РАУФ ИНИЛЕВ БОШ МУРАББИЙЛИГИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ НАЗОРАТ ЎРТОҚЛИК ЎЧРАШУВИ ЎТКАЗИШ МАҚСАДИДА УММОН ПОЙТАХТИ МАСКАТГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ.

Футбол

ҲАМИОРТЛАРИМИЗ МАСКАТГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Шуни эътиборлики, бу сафарги йўлнинг 18 нафар футболчи жалб этилган. Терма жамоамиз бош мураббийсининг сўзларига қараганда Уммон терма жамоасига қарши кечадагидан баҳсга асосий ўйинчиларимиз ва легионерларимиз жалб этилмаган. Бу сафар маҳаллий клубларда тўп сураётган ёшлар синовдан ўтказилади. 29 август кўни Тошкентда Корея Халқ Демократик Республикасини чарм тўп усталари билан ўтадиган ўртоқлик учрашувига барча асосий футболчиларимиз жалб этилади.

Энди эътиборингизга Маскатда тўп сурадиган терма жамоамиз аъзолари рўйхатини ҳавола этамиз. Дарвозабонлар — Игнати Нестеров, Темур Жўраев («Пахтакор»), химоячилар — Ан-

вар Ғофуров («Машъал»), Алексей Николаев, Хайрулло Каримов, Бахтиёр Ашурматов, Саҳоб Жўраев («Бунёдкор»), Анзур Исмоилов («Пахтакор»), Афзал Азизов («Локомотив»), Ҳикмат Хосимов («Металлург»), ярим ҳимоячилар — Одил Аҳмедов, Элдор Маъдиев («Пахтакор»), Азиз Хайдаров («Бунёдкор»), ҳужумчилар — Заиниддин Тожиёв («Пахтакор»), Улугбек Бақоев («Бунёдкор»), Павел Соломин («Навбахор»).

Биз кўп минг сонли футбол мухлислари номидан ўзбекистонлик чарм тўп усталарига уммонликлар билан кечадагидан учрашувда омад ёр бўлсин деймиш.

(Ўз мухбиримиз)

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

21 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

Само жисмларининг бугунги жойлашуви инсонларнинг маънавий юксалишига ёрдам беради. Янги билимларни эгаллаш енгил кўчади. Ғанимат фурсатини бой бермай, билим сирларини аниқлашга киришинг. Синашга бўлмаган кишилар билан мулоқотлардан ўзингизни тортинг — улар сизни ноҳус ҳолатларга солиб қўйишга ҳаракат қилишди.

Транспорт воситалари билан боғлиқ ҳаракатлар, никоҳ ришталарини боғлаш, муслиқа тинглаш, нақшлар безаги, саёхатларга йўлга чиқиш, мусобақаларга тайёргарлик билан боғлиқ машқлар хайрли бўлиши кутулади. Бир ҳафталик эҳтирослар таъсирига берилмай, босиқ-вазминлик билан иш юритинг.

Умртқангизни эҳтиёт қилинг: шу кеча-кундузда фаол ҳолатда бўлган қувват маркази бел-бўкса атрофларида қоллашган бўлиб, шу ерларингизни шамоллашдан асранг. Кутулламанг ва кескин ҳаракатлардан сақланг. Юкори нафас йўллари даволаш самарали бўлади. Асаб тизимини зўрқитириш мумкин эмас.

Тушларингиз қай хил муаммоларни ҳал этишга ички тайёргарлик зарурлигини баён этади. Кўпчилик тушлар пуч бўлиб, уларга эътибор қилишнинг ҳолати йўқ.

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почта» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбоса акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Топширилган вақти: 13.10



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-706

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилди.
3200 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2